

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда парламентнинг роли

Мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Авваламбор, ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Олий суд ва Олий ҳўжалик суди суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда маъмурий судлар ташкил этилди. Тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш мақсадида иқтисодий судлар фаолияти йўлга қўйилди. Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда очиқ, ошқора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди. Судьялар олий кенгашининг мустақиллигини янада кучайтириш мақсадида, унинг таркибидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари чиқариб ташланди.

Илғор хорижий давлатлар тажрибаси асосида илк бор судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти жорий қилинди. Суд тизими ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Шунингдек, судларни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш мақсадида Олий суд ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди. Вилоят судлари томонидан ишларни назорат тартибида қайта кўриш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялар тугатилди.

Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссияси ташкил этилди. Ўтган давр мобайнида Комиссия ташаббуси билан судларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш масаласида вилоят ҳокимликларига парламент сўровлари юборилди. Судлар фаолиятини молиялаштириш юзасидан молия вазирлигининг ахбороти парламентда эшитилди. Судьялар дахлсизлигига тажовуз қилиш ҳолатлари Комиссия томонидан танқидий жиҳатдан кўриб чиқилди, бу борада тегишли қарор қабул қилиниб, ижро учун мутасадди идораларга юборилди.

Судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурта қилиш, судьяларни ижтимоий қўллаб қувватлаш, судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисида низомлар тасдиқланди.

Бугун замон ўзгаряпти, одамларимиз ўзгаряпти. Фуқароларимизнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироки кенгайяпти, давлат органларини халқ манфаатидан келиб чиқиб очиқ ишлашига ҳаётнинг ўзи мажбур этаётир. Уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назорати кундан кунга кучаймоқда, мулкдорлар сони ошиб, хусусий мулк ҳимоясига эътибор, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ортмоқда.

Буларнинг барчаси, эндиликда замонавий ва ўз ҳуқуқини яхши танийдиган фуқароларимизнинг эҳтиёжини қондира оладиган, яъни ҳар қандай низони адолатли ва тез ҳал қилишга қодир бўлган суд тизими бўлишини ҳам тақозо этмоқда.

Бинобарин, ўтган 2020 йили парламент аъзолари томонидан жойларда олиб борилган мулоқотлар давомида суд ишларида ортикча бюрократия, суд қарорларини қайта кўришда такрорловчи босқичлар ва бошқа бир қатор масалалар жамоатчилик вакиллари томонидан айтиб ўтилган эди.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қонун ва 12 январда суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг қатор кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қабул қилинган қонунларга асосан юқоридаги аксарият масалалар ўз ечимини топди.

Хусусан, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари ташкил этилди. Бу эса, жойларда ягона суд амалиётини шакллантиришга, судларнинг тарқоқлиги туфайли фуқаролар ва тадбиркорлар сарсон бўлишининг олдини олишга хизмат қилади.

Эндиликда, туман (шаҳар) маъмурий судлари негизида туманлараро маъмурий судлари ташкил этилди ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишни жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди. Бу ўз навбатида маъмурий судларнинг муайян тумандаги маҳаллий ҳокимият органларининг турли тазйиқларидан холи ва мустақил фаолият юритишлари, бундай судларни ташкил этишдан кўзланган асл мақсад, яъни фуқаролар ва тадбиркорларни давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорларидан суд орқали ҳимоялаш учун янада қулай шароит яратади.

Прокурорнинг судда иштирок этиши тартиби илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мослаштирилмоқда. Жумладан, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш, тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина прокурор томонидан суддан ишларни чақириб олиш, бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзгатишган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш назарда тутилмоқда. Қонунга бундай қоидаларнинг киритилганлиги албатта суднинг мустақиллигини, тарафларнинг судда тортишувчанлик ва тенглиги тамойилини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Эътиборлиси шундаки, қонун билан ортикча суд босқичларини бекор қилиш орқали “бир суд – бир инстанция” тамойили жорий этилди. Суд ишларини назорат тартибида кўриш институти эса тугатилди. Бундай тартибнинг ўрнатилиши натижасида судда ҳар бир иш бўйича яқуний тўхтамга келиш орқали суд қарорларининг барқарорлиги таъминланади ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлар сарсон бўлишининг олди олинади.

Бугунги кунда Олий суд тузилмасида Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасининг тузилиши эса суд ҳокимиятининг қонун ижодкорлиги фаолиятида профессионал иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бу ҳолат амалда ўзининг самарасини кўрсатмоқда. Масалан, биргина 2020 йилда 10 га яқин қонун лойиҳаси Олий суд томонидан парламент қуйи палатасига киритилган. Энг асосийси, Олий суд томонидан нафақат судлар фаолиятига оид, балки айнан мулкдорларни ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам ташаббус қилинди. Олий Мажлис депутатлари томонидан ҳудудларда одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масаласида мулоқотлар олиб борилди, 3 мингга яқин респондент орасида аноним сўровлар ўтказилди.

Ўрганиш давомида фуқаролар ва тадбиркорлар муайян давлат органи ёки мансабдор шахснинг қарори ва хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқидан самарали фойдаланишаётганлиги маълум бўлди. Хусусан, охириги бир ярим йил ичида судлар томонидан ҳокимларнинг ер ажратиш, бино-иншоотларни бузиш ва хусусийлаштиришга оид 2 мингдан ортиқ қарори бекор қилинган.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этилаётгани судга мурожаат этишда, ишларни судда кўриб чиқишда қулайлик яратмоқда. Хусусан, келиб тушган даъво ариза ва суд ишларини электрон тартибда рўйхатдан ўтказиш, процессуал муддатларга риоя қилиниши устидан онлайн мониторинг қилиш имкониятини берувчи электрон база фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга тизимни янада ривожлантириш учун ўз ечимини кутиб турган масалалар ҳам мавжуд. Масалан, амалдаги жиноят қонунчилигида тарафларнинг ярашуви муносабати билан жиноят ишларининг тугатилиши белгиланган. Бироқ маъмурий судлов соҳасига яраштирув институти жорий этилмаган. Бу эса, турли маиший, оилавий низоларни халқимизга хос бўлган мураса йўли билан ҳал этиш имконини бермайди. Шундан келиб чиқиб, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка ярашув институтини киритиш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда маъмурий ҳуқуқбузарликлар, уларга белгиланадиган жазо, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш тартиб-таомиллари ягона кодексда, яъни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган. Ушбу кодекс бундан 26 йил олдин қабул қилинган бўлиб, унга ҳозирги кунга қадар 140 маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Шунга мувофиқ, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекс ва Маъмурий ҳуқуқбузарлик процессуал кодекси лойиҳаларини алоҳида-алоҳида тайёрлаш лозим.

Суд ҳужжатининг барча учун мажбурий эканлиги аввало Конституциямизда мустаҳкамланган. Юртимизда суд қарорларини ижро этишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Лекин, номулкий низолар бўйича чиқарилган қарорлар, айниқса маъмурий судлар томонидан мансабдор шахснинг ноқонуний қарорини бекор қилиш, мажбурият юклаш каби қарорларини мажбурий ижро этишда ўз ечимини кутиб турган масалалар бор. Шунга мувофиқ, судлар томонидан ижро варақаси берилмайдиган ишларнинг мажбурий ижросини таъминлаш механизминини ишлаб чиқиш лозим.

Ҳуқуқий давлат қуришда суднинг ўрни бекиёс. Ушбу ҳокимият тармоғида бугун юзлаб фидойи инсонлар, адолат тарозини ушлаб турган касб

эгалари фаолият кўрсатмоқда. Шунга мувофиқ, “Судьялар ва суд ходимлари куни”ни белгилаш ҳақидаги қонун устида ҳам бош қотириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Коррупцияга қарши курашиш ва
суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси
раиси